Атроф-муҳит муҳофазаси

# Сайёрамиз келажаги ташвишида

**⊙ Вашингтонда бўлиб ўтган журналистларнинг халқаро анжумани атроф-муҳит муҳофазасига бағишланди. Анжуман «Сайёрамиз келажаги ташвишида» мавзуида ўтказилиб, унда кўпчилик мамлакатларга тааллуқли қуйидаги маълумотлар келтирилди.**

⊙ СОВЕТ Иттифоқи, Польша, Япония, Австралияда экология — табиат муҳофазасида сезиларли ўзгаришларга эришилмаган бўлсада, бу мамлакатлар сиёсий курашнинг олдинги сафига чиқдилар. ССЖИ келажакда Ғарбий Европа маҳсулотининг тўртдан уч қисмини ишлаб чиқаради, муҳитни ифлослантириш даражаси эса икки маротаба юқори бўлади.

⊙ ИНСОНИЯТ олдида икки муҳим муаммо турибди. Булар туғилишни камайтириш ва иқлимни барқарорлаштиришдан иборат. Сайёра аҳолиси саксонинчи йилларда 842 миллион кишига ортганди, яқин 10 йилда эса 959 миллионга кўпайди. 1989 йилда 1,67 миллиард тонна (1984 йилдагидан 1 фоиз кўп) дон етиштирилди, жон бошига истеъмол қилиш етти фоиз камайди. Саноатни экологияга мутаносиблаштиришга кўплаб маблағ сарфланишига қарамай, муҳитнинг ифлосланиши доимий равишда ўсмоқда. Карбонат ангидрид ҳавога йилига 5,7 миллиард тонна чиқарилмоқда, бу урушга қадар бўлган кўрсаткичдан уч маротаба кўпдир.

⊙ ЖАНУБ ўрмонларининг аёвсиз кесилиши атмосферага 1,6 миллиард тонна карбонат ангидридни қўшади. Жумладан, бу миқдор Амазонка ҳавзасида — 330, Индонезияда — 192, Колумбияда — 123, Африканинг Фил суяги қирғоғида — 101 миллион тоннани ташкил этади. Кейинги пайтларда Европанинг жануби-шарқида ўн миллион гектардан ортиқ ердаги қарағай майдонлари йўқ бўлиб кетди. Бунинг олди олинмаса келажакда жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

⊙ ҲОЗИРДА электр қуввати ишлаб чиқаришнинг 78 фоизи иссиқлик электр марказларида ҳосил қилинади. Шунча қувватни ишлаб чиқариш учун 33 фоиз нефть, 27 фоиз кўмир ва 18 фоиз газ ёқилади. Нефть газга нисбатан 44, кўмир эса 75 фоиз кўп углерод бирикмасини ажратади. Атом электр станциялари ҳавога 300—400 миллион тонна карбонат ангидрид тарқатади. Замонамизнинг экологияга энг безарар ва соғлиққа фойдали ҳаракат воситаси велосипед бўлиб қолди.

Ҳозирда кўплаб мамлакатлардаги раҳбар ходимлар яқин масофаларга қатнаш учун велосипеддан фойдаланишни оммалаштирмоқдалар.

**Фозилжон ОРИПОВ**
**тайёрлаган.**





# Қиз—фарзанд эмасми?

**Фарзандларингизнинг кўз ёшларини асранг, токи улар қабрингиз узра тўкилсин.**

**ПИФАГОР.**

«Салом, дадажон!
Сизга яна мактуб ёзаяпман,. Бу энди учинчиси. Аввалги ёзганларим тортмада сарғайиб ётибди.

Навбатдаги битаётган дил сўзларимни ҳам ҳеч қачон сизга юбора олмасам керак. Сабаби...

Шундай деб ўйлайману, беихтиёр кўзларимга ёш қуйилиб келади. Инсон йиғласа, кўнгли равшанлашиб, енгил тортади, талабалик даврларини эсласам бахтиёрлик нашидасида энтикаман. Учинчи курсга қадар эркин, ғам-ғуссасиз ҳеч қандай қийинчиликсиз ўсдим. Ўшанда мендан бахтиёрроқ қиз йўқ эди гўё дунёда. Оилада яккаю-ягона фарзанд эдим. Баъзан онамдан:

— Нега ака-укаларим йўқ? — деб сўрасам, ойим маъюс жилмайиб:

— Менинг бор-йўқ бойлигим — сенсан, қизим. Сен борсанки, мен ҳам тирикман, — деб жавоб қайтарарди.

Айниқса ундан узоқроққа кетиб қолсам онажоним тушимга кирар, бирпасда уни соғинардим.

Учинчи курсни битирганимда уйимизга тугун кўтарган хотинлар серқатнов бўлиб қолишди. Бир куни ўқишдан чиқиб уйга келсам, ойим ошхонада юм-юм йиғлаётган эди. Меҳмонхонага кираверишдаги пойгакда бегона оёқ кийимлари қатор турарди. Шошиб меҳмонхонага кирдим-у, ҳаммасига тушундим: безатилган дастурхон атрофида учта аёл ўтирарди. Тўрда ўтирган «олмос» кўйлакли, қошларини қалин қилиб бўяб олган аёл менга бошдан-оёқ синчковлик билан разм солди. Саломлашиб, гандираклаганча ортимга қайтар эканман, қулоғимга шивир-шивир эшитиларди:

— Айланай, қизлари шуми, ойдеккина бўлипти.

— Жасуржонга жуда мос экан. Э, Соҳибжон шундай қизнинг қадрига етмади-да. Афсус!

— Ҳа, орада Рисолат куйиб, кул бўлди, бечора...

Ҳайрон бўлдим, ким у Соҳибжон?! Кимнинг қадрига етмайди, нега?!

Ошхонадан ойим чиқиб келдилар. Қўлларида чойнак, чеҳрасида табассум, кўзларида эса ёш...

— Меҳмонлар билан сўрашдингми, қизим?!

Ойимга яна бир лаҳза қараб турсам, йиғлаб юборишини сездим-у, эшикка отилдим...

Ҳалиги аёллар Соҳибжон деганлари бу — сиз экансиз, дадажон. Мен бор ҳақиқатни кейин билиб олдим. Бу ҳақиқатни билиш мен учун жуда қимматга тушди.

Ойим юрак касалига мубтало бўлдилар.

«Агар шуниси ҳам қиз бўлса, касалхонадан қайтиб келма. Менга қизнинг кераги йўқ!», — деган экансиз йигирма йил аввал ўз онамга.

Шундай қилиб оилада бешинчи фарзанд — мен дунёга келган эканман. Онам бир ойгача узоқ қариндошлариникида яшабдилар. Кейин, ўша қариндошлари мени боқиб олишибди. Онам ёшлигимда ҳар куни келиб, мени кўриб кетар эканлар.

Ҳаммаси ёдимда, дадажон, бир куни мактабдан қайтар эканман, аллақандай аёл мени қучоқлаб, роса йиғлаганлар. Энди билсам, ўша аёл менинг ҳақиқий онам экан. Онам йиллар ўтиб яна фарзанд кўрибди.

— Мана, дадаси, — дебди касалхонага борганингизда. — Энди армоним йўқ. Ўғлингизга яхши қаранг, қизимнинг ҳам ҳолидан хабар олиб туринг, илтимос Сиздан...

Бу онамнинг сўнгги сўзлари экан. Онам вафот этибди.

Эртасига сизни бош шифокор чақиртирибди.

— Нега бундай қилдингиз? — койибди шифокор. — Ахир, турмуш ўртоғингизга туғиш мумкин эмас эди-ку, шуни билармидингиз?!

Йўқ, дадажон! Сиз буни билмас эдингиз. Чунки, онам Сизга бу тўғрида айтмаган эдилар. Бироқ у бечора Сизни севар, шу севгиси ҳаққи Сизга ўғил ҳадя қилишни шу қадар истардики, буни таърифлашга ўзим ҳам ожизман.

Мана, дада, ўғилли ҳам бўлдингиз, армонингиз, орзуингиз ушалди. Лекин, онамда нима гўноҳ?!

Мендачи, дада?! Мен ҳам одамман. Ахир, мениям жажжи юрагим, қачонлардир армон билан ёнган қалбим бор эди-ку!

Нон қадри, пул қадри ҳақида кўп гапиришади. Лекин, инсон қадри, инсон садоқати-чи, дада, нега биз уларни кейинги пайтларда кейинги ўринга қўяяпмиз!

Ёки булар эскирган, сийқаси чиққан сўзлармикан?! Мактубимни шу ерда тугатаман.

Сизга салом билан, Ноила».

**Мактубни оққа кўчирувчи:**
**Абдуқосим ЮНУСМУҲАМЕДОВ.**

# Шанба оқшомида

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

## «ҚОР ОДАМ»НИ КЎРГАНЛАР

**⊙ Бир неча ўн йиллардан бери баланд тоғ довонларида қор одамларнинг мавжудлиги ҳақида шоҳидларнинг ҳикояларини эшитиб келамиз.**

ҚОР одами айниқса Ҳимолай тоғларида кўпроқ учраб туриши қайд этилган. Бутан табиатни муҳофаза қилиш қироллик жамиятининг раиси Дашо Жоржи яқинда Ҳимолай тоғларида ва ушбу тоғдаги ғорларда «истиқомат қиладиган» қор одамнинг излари суратларини кўрсатиб қуйидагиларни гапириб берди:

— Бизнинг ўрмончиларимиз айиқлар, йўлбарслар, илвирслар ва бошқа тоғ ҳайвонларининг изларини жуда яхши ажрата биладилар. Ушбу излар эса умуман бошқа тирик мавжудотга тегишли.

Сўнг Дашо хатжилдни очиб жуда ингичка жигарранг ва оқиш соч толаларини кўрсатади. Бу толаларни йетилар қор одамлар дарахт таналарига ишқаланганларида қолдирарканлар.

— Бу соч толалари жуда ингичка ва улар айиқники эмас, — дейди у. — Бундан бир неча ой аввал толалар АҚШга қандай ҳайвонга тегишли эканлигини аниқлаш учун юборилган. Ҳали жавоб келганича йўқ.

Дашонинг ҳақ эканлигини Бутан қироли Жигма Сингай Вангучук ҳам тасдиқлайди:

— Икки оёқлаб юрадиган йирик, юнгли мавжудотларни кўрган кишилар жуда кўп ва уларнинг чизиб берган манзаралари шунчалик ўзаро мос тушадики, бу йетининг ҳақиқатан мавжудлигига ҳеч қандай шак-шубҳа қолдирмайди.

Шунга қарамасдан қор одамларни ҳеч ким суратга ололмаган ва қирол бу ҳақда гапиришни унчалик хоҳламайди.

«Агарда жаҳон аҳли Бутан қиролининг йети ҳақида гапираётганини эшитса, улар мени енгилтак одам экан деб ўйлайдилар», — деди у яқинда ўтказилган бир суҳбатда.

Бироқ ўрмончи Йема Дашонинг олдига келиб ёввойи қўтосларни боқаётиб йетиларни учратган подачиларнинг ҳикояларини гапириб берди.

У жумладан, нима учун йетини яқиндан кўриш ёки суратга олишга уринишлар беҳуда бўлаётганлигини тушунтириб берди.

«Улар инсон ҳидини сезишлари биланоқ дарҳол қочиб қоладилар, — деди Йема. — Кишилар йетини излашга киришганларидан сўнг бу мавжудотлар одамларнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилмоқдалар».

Бундан ташқари, тоғликлар фикрига кўра йети билан учрашиш ва ҳатто унинг изларини кўриш ҳам бахтсизлик келтирар эмиш.

Шоҳидлар ҳикоясича, йетилар иккита оёқда жуда тез чопадилар. Шамолда уларнинг от ёлига ўхшаш узун сочлари ҳилпирайди.

Подачи ва ўрмончилар Бутанда йетилар икки хил — бири икки ва ундан ортиқ метрли бўйдор ва бошқасининг бўйи паст ва маймунга ўхшаш бўлишини таъкидлайдилар. Бутан ғарбидаги аҳоли сонининг кескин кўпайиши натижасида у ерда қўрқинчли қор одам билан учрашувлар деярли тўхтади. Ҳозир хабарлар аҳоли зич жойлашмаган шарқий районлардан келмоқда.

Дарвоқе, йети сўзига келсак. Бу сўз асли непал тилидан олинган бўлиб қор одам маъносини билдиради. Бутандан кўра кўпроқ даражада халқаро алоқаларга эга Непалда ҳозиргача бир неча махсус экспедиция ушбу мавжудотни излаган. Хорижлик кўплаб саёҳатчилар XIX асрдан бошлаб фанга маълум бўлган ҳеч қайси ҳайвонникига ўхшамаган ғалати изларни кўрганларини таъкидлаганлар.

Англия, Америка ва Норвегия экспедициялари ҳам қор одамни излаганлар, бироқ уни суратга туширишга муваффақ бўла олмаганлар.

Непал мутахассисларининг фикрича, бу ерда уч хил йети яшайди: бирининг бўйи ёш болаларникидай, бошқалари ростмана одам гавдасига эга ва учинчи тур йетиларнинг бўйлари уч метрдан ошади ва кишиларни кўрса ҳужум қилади. Аммо ҳозирда йетилар қирилиб битиш арафасида турибди.

Непалнинг пойтахти Катмандуда бундан 60 йил муқаддам қуйидаги воқеа юз берган: Тибет чегараси яқинида жуда йирик номаълум мавжудот бир гуруҳ кишиларга ҳужум қилиб, уларнинг 33 тасини ҳалок этган. Фақат биргина киши тирик қолиб, одамларга ушбу даҳшатли воқеани айтиб берган.

Яқинда Мўғулистонда ҳам Кобдон аймоғилик уч киши қор одам — Олмасни кўрганликларини ҳаяжон билан айтиб бердилар. Бу воқеа шу йил 26 сентябрда соат 15 дан 40 минут ўтганда Эрдэбурэн ҳудудида рўй берган. Улар булоқ атрофида «жуда йирик қора одам»ни кўрганлар.

Шоҳидлардан бирининг гувоҳлик беришича, улар орасидаги масофа 800 метр атрофида бўлиб, у дастлаб қор одамни юк кўтарган кишига ўхшатган. Таққа тўхтаган автомашина ва ундан тушаётган кишиларни кўриб номаълум мавжудот катта-катта қадамлар ташлаб бир неча сонияда 200 метр масофани босиб ўтиб қоя ортига яширинган. Унинг изларини ўлчаш натижасида қуйидагилар маълум бўлди: «қочоқ»нинг қадам узунлиги 2 метр 61 сантиметрга, оёқ излари узунасига 40 ва энига 8 сантиметрга тенг эканлиги аниқланди. Шуниси қизиқки, у тўрт панжали бўлиб чиқди — икки панжасининг узунлиги 13, яна иккисиники эса 11 сантиметр экан.

Эътиборга молик жойи шундаки, ушбу ғаройиб учрашув қатнашчиларидан бири ҳайдовчи С. Ульзий 1988 йили ҳам қор одамни кўрган эди. Ўшандан бери маҳаллий аҳоли ўрмонга эҳтиёткорлик билан боради, болаларини ҳам уйдан узоқроққа юбормасликка ҳаракат қилади.

Мўғулистонликлар жаҳон олимлари текшириш ўтказиб, ушбу мавжудот ҳақида аниқ фикрларни билдирадилар, деган ниятдалар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, асримизнинг 20-йилларида Помир тоғларида ҳам қор одамлари учрагани, ҳатто улардан бирини кишилар тутиб олганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Аммо курраи заминимизга ликопчаларда ўзга коинотдан ташриф буюраётганлар ёки номаълум учар жисмлар ҳақидаги ҳақиқат ҳали тўла исботланмагани каби қор одам жумбоғи ҳам ўз ечимини кутмоқда. Ўйлаймизки, яқин келажакда юқоридаги икки жумбоқ ҳал этилади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

Қатралар

## ОТА ҒУРУРИ

МЕН ўшанда олти ёшда эдим, ҳали унда мактабга бормагандим. Ўшанда дўстингиз билан қизғин суҳбат қуриб ўтирардингиз. Ногаҳон онамга боқиб:

— Хотинжон, жавонча ичидаги умумий дафтаримни олиб кел, — дея буйруқ қилдингиз.

— Янгигина дафтар, сен ишлатсанг бўлади, деб ҳамсуҳбатингизга юзландингиз.

Мен эса беихтиёр ташқарига отилдим. Чунки сиз айтган ўша дафтарни олиб, ичини турли шаклларга тўлдириб оғилхонага беркитгандим. Билмадим, не хаёлда ўша дафтарни олиб келиб сизга тутқаздим. Сиз бўлса, оҳиста уни варақладингизу, бир менга, бир дўстингизга боқиб:

— Э-ҳа, уйимизда ижодкор ҳам пайдо бўлиб қолибдику! — дедингиз ёзувларни дўстингизга кўрсатиб. Сўнгра қўшиб қўйдингиз:

— Қара дўстим, бу шаклларни ўғлим ижод қилибди.

Мен ўшанда қўрқувдан титраб «ижод» сўзини ичимда такрорлардим, маъносини чақолмасдим. Лекин сиз мени койимадингиз ҳам... Аксинча ғурурга тўлиб гапирдингиз.

Эҳ, отажон! Қани эди мен сиз ўйлаган ҳақиқий ижодкор бўлолсам!..

## НОННИНГ ҲАЛОЛИ

БИР куни ер чопаётгандим. Отам келиб қўлимдан оҳиста кетмонни олдида тобига келган ерни чуқур-чуқур чопа бошлади. Бир пасда анча-мунча жойни чопиб бўлиб менга шундай насиҳат қилди:

— Болам, ота-бобонг кетмонни чуқур чопишга ўрганган. Сен ҳам ер чопсанг, чуқурроқ чоп. Ахир ноннинг ҳалоли шу кетмонда бўлади.

— Оҳ, отажон! Мендан ҳам ҳалол кетмончи чиқармикан?!.

## ЙИҒИГА ТАЪЗИМ

ҒЎЗАЛАР икки қулоқ бўлиб, далалар кўм-кўк тусга кирганди. Туш пайтидан ўтувди. Мағриб томонда қора булут пайдо бўлиб борлиқни қоплади. Кўз очиб юмгунча ерга дўл туша бошлади. Беш-ўн дақиқа ўтмаёқ ариқ-зовурлар сувга тўлиб кетди. Пахтазор ўртасида қолган колхозчилар тележка остидан паноҳ топишганди. Дўл тиндию, дов-дарахтлар барги тўкилган, майса ва униб чиққан экинлар ер билан яксон бўлганди. Пилла қуртлари баргсиз, далалар ғўзасиз қолганди. Шунда отам кўзларига дўппидеккина ўз хўжалигидаги экинларнинг пайҳон бўлгани ҳам кўринмай, пахтазорга қараб чопди. Отам пайҳон бўлган пахтазорга боқиб:

— Ғўзалар нима бўлди? Ғўзалар! Эл ризқи-чи? Эл ризқи! — деб куйиниб сўзлар экан кўзларидан дув-дув ёш қуйиларди. Мен эса кап-катта кишининг йиғлаётганига ҳайрон бўлиб тикилиб турардим.

Энди эса ўша ҳолат олдида таъзимдаман. Қани эди отажон сиздек эл ризқининг ғамхўри бўлолсам...

## НАҲОТКИ...

Кашшофлар лагери раҳбарининг рухсатини олиб, онам мени уйга олиб қайтар экан автобусда келаётиб шундай деди:

— Отанг оғриб қолувди, касалхонага ётқиздик.

Нима учун лагердан эрта қайтаётганимга тушунмай турган бир пайтда бу сўз дилимга ханжардек санчилди. Кўзларимдан ёш оқа бошлади. Онам мени овутишга урингалари сари йиғлардим. Нима учун? Сабабини ўзим ҳам тўла шарҳлай олмасдим. Аммо ўшанда юрак-бағрим ўртаниб-ўртаниб йиғлаганим ёдимда.

Узр, отажон! Наҳотки мен йиғини эртароқ бошлаган бўлсам?!.

**Неъмат ОРИПОВ,**
**Андижон.**

Ажойиботлар оламида

## Жаҳонда ягона

ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ Кутна Гора шаҳридаги XIII—XIV асрларда қурилган тарихий бинода «Седлес» номи билан юритилувчи музей бор. Музей экспонатлари бўлиб... инсон суяклари хизмат қилади. Бундан 120 йилча бурун мамлакатда вабо касалидан минглаб одамлар ўлганди. Ўн минг киши суягини ўз ичига олган музейда суякдан ясалган қандиллар, шамдон, ҳар бири икки минг киши суягидан ташкил топган тўртта «минора»ни кўриш мумкин.

## Тоғ остидаги дарё

МАСОХА тоғлари остида Пунква дарёси оқади. Қизиғи шундаки, тоғ остида ҳам гоҳо йўқолиб, гоҳо кўриниб қоладиган дарё суви ҳарорати қишин-ёзин мўътадил бўлиб, тўрт даражани ташкил этади. Тоғ ости дарёсининг маълум қисмида сайёҳлар қайиқларда сайр қиладилар. Эҳтиёт бўлмаганлар эса қайиқда бошини тошларга қаттиқ уриб майиб бўлиб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас. Шунга қарамай бу ердан саёҳат иштиёқмандларининг кети узилмайди.

## Европанинг энг кекса эмани

МАМЛАКАТНИНГ машҳур курорти Карлови Варида бўйи ўн олти метрдан ошадиган эман дарахти алоҳида ажралиб туради. Европанинг энг кекса ушбу эмани соясида кўпгина буюк кишилар дам олиб, ҳордиқ чиқарганликлари тарихдан маълум. Гувоҳлик беришларича, эманнинг ёши минг йилдан ортиқ бўлиб, у ҳамон кўм-кўк ва бақувват ўсмоқда.

**Қудрат АҲМЕРОВ.**

# ИЗИДАН...

ҳолда қарши томондаги йўл четидаги қайин дарахтига бориб урилди. Қаттиқ зарбдан рул гардишини ушлаган Ботир Евқочев машина салонидан отилиб чиқиб, асфальт устига боши билан тушиб ҳушидан кетди. Мен эса икки букилган ҳолда машинанинг олди ўриндиғида оёқларимни тираганча ўтирган жойимга қисилиб қолибман. Биз кетаётган автомобиль томи дарахтга қаттиқ урилиши натижасида унинг томи ўриндиқларгача пачоқланган бўлиб, одам тирик қолиши асло мумкин эмас эди. Жиноятчиларнинг ўғирлаган автомобили ҳам қаттиқ шикастланиб, олд ўнг қанотлари пачоқланиб, ғилдиракларининг ҳаракатланиши учун тўсқинлик қилиб қолганди. Жиноятчилар машинани жойида қолдириб, ўзлари ўткинчи автомобилда ғойиб бўлибдилар. Кўзимни очганимда бошим устида оқ халат кийган йўл назорати бўлимининг командири Леонид Францевич Криницкий ва менга тез тиббий ёрдам кўрсатаётган жарроҳлар туришганди. Бир ҳафтадан сўнг мени ва Ёвқочевни палатага кўчириб, даволашни давом эттирдилар. Икки ой деганда Янгийўл касалхонаси шифокорларининг тиббий ёрдамлари туфайли соғайиб, яна сафга қайтдик. Аммо энди командир ўринбосари эмас, тарғибот ва ташвиқот бўлими инструктори вазифасида ишлай бошладим. Орадан сал вақт ўтмасданоқ мени ва Ёвқочевни Янгийўл прокуратурасига чақириқ қоғози билан таклиф қилишди. Бўлган воқеа тафсилотлари қоғозда қайд қилина бошланди. Ҳар ҳафта чақирув қоғозлари келиб, қайта-қайта тушунтириш хатлари ёзиб берар эдик. Бир ярим йил ўтганидан кейин мен ва Ботир учун орзиқиб кутган Янгийўл прокуратурасининг бизларга нисбатан жиноят ишининг тўхтатилганлиги ҳақидаги хабарномаси келиб, унда иккимизга нисбатан жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун жиноий жавобгарлик рад этилганлиги билан ҳаракатларимиз ССЖИ Ички ишлар вазирлигининг кўрсатмасига зид равишда ҳаракат қилганлигимиз учун ўртоқлик судида кўриб чиқишлик тавсияси берилган эди. Ўртоқлик суди ҳам бўлди, партия мажлисида ҳам ҳаракатимиз кўриб чиқилди.

Энг алам қиладиган жойи пачоқланган, яроқсиз ҳолга келган хизмат автомобилини тузатиб бериш менинг зиммамга юкланди. Мени бир нарса қийнар эди. Нима, мен Янгийўлга картошка сотгани борган эдиммики, яроқсиз ҳолга келган машинани тузатиб берсам? Бунинг устига ҳамма эҳтиёт қисмларни бозор нархида сотиб олиш керак. Бошим қотиб, ССЖИ Ички ишлар вазирлигининг кўрсатма ва буйруқларини ўрганиб чиқдим. Минг афсуски, бу ҳақда ҳеч қандай ҳужжат йўқ экан. Ўзинг пиширган ошни ўзинг ейсан, деган мақолга амал қилиб, яқин дўстларимни «ҳашарга» чақириб автомобилни тузатиб бердим. Шу куни елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди...

Чет эл видео фильмларидаги полициячиларнинг жиноятчининг йўлини тўсиш чоғидаги қилган ҳаракатларини кўриб, ҳайрон қоласан киши, улар эркин ҳар ҳолда. Нима учун биз жиноятчини шароитга қараб ушлаш учун эркин ҳаракат қилолмаймиз! Сени ўлдиришга пистолет тепкисини босай деяптику, сен олдин осмонга қарата огоҳлантирувчи ўқ отишинг керак? Жиноятчи бирор бир кимсани мулки бўлмиш автомобилни олиб қочиб кетаяптику, сен унинг йўлига ғов қўйиш ўрнига изидан боришинг керак!



Агар автомобиль двигатели чет элники бўлсачи, етиб бўпсиз. Бизнинг хизматимиздаги автомобилларнинг уларни қувиб етиб олишига ким кафолат бера олади? Хуллас, қонун-қоидалар эскириб қолди. ССЖИ ва жумҳурият Кенгашининг навбатдаги сессияларида ушбу масалаларга ҳам эътибор қилинса, милиция ходимлари жиноятчилик билан курашишда ўзларини анча дадил тутган бўлар эдилар. Шундай эмасми?

**Икромжон РАҲИМОВ,**
**Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими, милиция майори.**

Энг, энг, энг...

## САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАР ҲАҚИДА

⊙ Ўзбекистон ҳудудидаги мевали дарахтлар ҳақидаги ЭНГ биринчи маълумотлар эрамиздан аввалги V асрга тегишли.

⊙ Жумҳуриятимиздаги ЭНГ совуққа чидамли мевали дарахт бу нок ҳисобланади. Нок қишда — 32° гача ҳароратда совуқ урмай туриши мумкин.

⊙ Ўзбекистонда ўсадиган ёнғоқ кўкка ЭНГ баланд бўй чўзган дарахт ҳисобланади ва унинг бўйи 30 метргача боради. Илдизининг узунлиги жиҳатдан ҳам у ЭНГ юқори кўрсаткичга эга. Унинг илдизлари узунасига 4, ёнламасига 15 метрга етади.

⊙ ЭНГ узоқ умр кўрадиган дарахт ҳам ёнғоқ бўлиб, унинг баъзилари 300 йилгача яшайди.

⊙ Сабзавотлар орасида ЭНГ серсуви бодринг ҳисобланади. Унинг 95 фоизи сувдан иборат.

⊙ Бодринг ва бақлажонлар ЭНГ кўп қисми истеъмолга кетадиган сабзавотлар бўлиб, уларнинг 95 фоизини истеъмол қилиш мумкин.

⊙ Оқсилга ЭНГ бой сабзавот эса нўхат бўлиб, вазнининг 6,5 фоизини оқсил ташкил этади.

⊙ ЭНГ калорияга бой сабзавот картошкадир. 100 грамм картошка 94 калорияга эга.

⊙ Жумҳуриятимизда ЭНГ йирик помидор Юсупов нави ҳисобланади.

⊙ Редисканинг сакса нави ЭНГ тезпишар сабзавотдир. У сепилгандан кейин 20 кунда етилади.

⊙ Жумҳуриятимиздаги ЭНГ серҳосил ва энг катта майдонга экилган мева дарахти — бу олмадир. Олма Ўзбекистонда экилган мевали дарахтларнинг 40 фоизини ташкил этади.

⊙ Ўриклар ЭНГ кўп турга эга мева берадиган дарахтдир. Ўрта Осиёда ўрикнинг 300 га яқин тури экилади.

**Шариф ИСМОИЛОВ**
**тайёрлаган.**

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

